



# СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,  
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1978 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН 13 январь 1971 йил, чоршанба № 10 (14.780). Баҳоси 2 тийин.

## К П С С Х Х И V С Ъ Е З Д И Ш А Р А Ф И Г А

### ГЎШТ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

РОМИТАН, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ташаббускор Ромитан район меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди шарафига социалистик мусобақани қизитиб, анойиб меҳнат галабасига эришдилар. Район хўжаликларни давлатга 305 тонна семиз гўшт етказиб бериб, ярим йиллик топиришни Бухоро областида биринчи бўлиб муддатидан илгари бажардилар.

Эришилган бу ютуққа «Октябрь 50 йиллиги», «Ромитан» совхозлари, Жданов номи, Карл Маркс номи, «Ленински», Нариманов номи, Энгельс номи колхозларининг чорвадорлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Янги йилнинг дастлабки ўн кунлигида икки хўжалик йиллик, ўндан ортқ хўжалик ярим йиллик гўшт тайёрлаш планини бажарди. Районда давлатга сўт, тузум, жуи топириш қизғин давом этмоқда. Ромитанликлар партия съезди очилган кунгача йиллик гўшт тайёрлаш планини, ярим йилга мўлжалланган сўт, тузум топириш планиларини ҳам бажариш учун курашмоқдалар.

Т. НАЗИРОВ.

### ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Партиянинг XXIV съездини меҳнатда янги ютуқлар билан кўти олишга бел болаган Оржоникидзе районидagi Ленин номи колхоз чорвадорлари катта зафар қўшдилар. Улар қабул пунктларга 45 тонна гўшт етказиб бердилар. Бу, йиллик планининг 65 процентини ташкил этади. Топирилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 341 килограммга тўғри келди. Колхоз чорвадорлари йиллик плани КПСС XXIV съезди очилган кунгача бажаришга қарор қилдилар.

Ф. ИСАЕВ.

### ЧОРВАДОРЛАР! ЗАФАРИ

Ульянов районидagi «Партия XX съезди» совхоз чорвадорлари КПСС XXIV съезди шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, давлатга гўшт топириш биринчи квартал планини ошириб бажардилар. Қабул пунктга 54 центнердан зиёд бўрдоқ гўшти топиришди. Бўрдоқга боқилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 309 килограмм ташкил этди. Совхоз чорвадорлари Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди очилган кунгача гўшт тайёрлаш ярим йиллик планини ошириб бажариш учун курашдилар.

Шунингдек, райондagi Ульянов номи совхоз чорвадорлари ҳам давлатга гўшт топириш биринчи квартал планини ошириб бажардилар.

П. ГАДОВЕВ.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

#### УРТОҚ А. СУЛТОНХУЖАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади: Уртоқ Абдулла СУЛТОНХУЖАЕВ Ўзбекистон ССР маҳаллий сановат, министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Равси Н. МАТЧОНОВ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОВЕВ. 1971 йил 12 январь, Тошкент шаҳри.

### ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми уртоқ Абдулжобор Абураҳмоновни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР маҳаллий сановат министри вазифасидан озод қилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети уртоқ Абдулжобор Абураҳмоновни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг СССР Министрлар Совети хузуридаги доимий вакили қилиб тайинлади.

# МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ — МУҶАДДАС БУРЧИМИЗ

## МОСКВАЛИКЛАРНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Реализация қилинадиган маҳсулотнинг ҳажми ва қурилиш-монтаж ишлари, транспорт орқали юк ташини бунча биринчи квартал планини, шунингдек 1971 йил топириқларини муддатидан илгари бажарамиз! Москва меҳнаткашларининг КПСС XXIV съезди шарафига олган социалистик мажбуриятларининг асосий моддалари шундан иборат.

Москваликлар бу мажбуриятларни пойтахт саноат, транспорт, қурилиш, шаҳар хўжалиги, фан ва маданият корхоналари ҳамда ташкилотлари коллективлари вакилларининг 11 январда бўлиб ўтган йилгида қабул қилдилар.

Йилгида биринчи давлат подшунник заводининг директори А. А. Громов, Шчербаков номидаги Москва йирик комбинати тўқувчиси М. Д. Полещук, биринчи уйсозлик комбинати монтаж бошқармаси комсомол-ешлар комплекс бригадасининг бошлиғи А. М. Суворов, Москва темир йўли старший мастери В. Х. Еремин ва бошқалар сўзга чиқдилар. Нотиқлар корхоналарда съезд арафасида авж олган меҳнат ғайрати тўғрисида ҳамда КПСС XXIV съезди шарафига ўз коллективлари қабул қилган янги мажбуриятлар ҳақида гапирдилар.

Йилгида КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоллигига кандидат, шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин нўзқ сўзлади.

Москва меҳнаткашлари шу йилгида қабул қилинган социалистик мажбуриятларда меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан йиллик топириқни 40 процент, биринчи квартал топириқини 30 процент ошириб бажаришни назарда тутдилар. Ишлаб чиқаришда ўсиш меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобидан таъминланади. Партия съездидаги пландан ташқари 1400 тонна пўлат ва прокат, 450 та юк автомобили ва енгил автомобиллар чиқарилади. Топириқда қўшимча равишда кўп миқдорда электр двигателлари, рўзгор холодиликни, газлама, пойфазал, трикотаж буюмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Йилгида яқинлик билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига табриқнома қабул қилди. (ТАСС).

## ОҚҚЎРҒОНЛИКЛАР МАРРАСИ

Оққўрғон районининг меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди шарафига янги, оширилган мажбурият қабул қилдилар. Район пахтакорлари съезд шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, янги беш йилликнинг биринчи йилида ҳар гектар ердан 30 центнердан «оқ олтун» етиштириш ва давлатга 90 минг тонна ёки планга қўшимча равишда 18,4 минг тонна ва 1970 йилдан 4600 тонна кўп пахта сотиш ҳақида сўз бердилар. Етиштирилган пахтанинг 80 процентга яқини механизмлар билан териб олинади.

Қанов, шол ва бошқа экинлар ҳосили етиштиришни кўпайтириш йўллари белгиланди.

Райондаги барча хўжаликларда комплекс механизацияни кенг ривожлантириш планлаштирилмоқда. Чингит кенг қаторлаб энкидданг майдонлар кенгайтирилиб, 20 минг гектарга етказилди. Ана шу майдондаги ҳосил кўп қучидан фойдаланилмаган ҳолда механизмлар билан потон усулида йиғиб-териб олинади.

Осуқа базисини мустаҳкамлаш ва ем-хашакнинг сифатини яхшилаш ҳисобига чорва молларининг сови ўстирилади ва маҳсулдорлиги оширилади. Оққўрғонликлар давлатга гўшт, сўт, тузум сотиш биринчи квартал планиларини 20 мартга бажаришга қарор қилдилар. Давлатга сотиладиган пиланинг миқдорини кўпайтириш, балиқ хўжалигини кенгайтириш юзасидан ҳам янги марралар белгиланди.

Оққўрғон районининг меҳнаткашлари янги беш йилликнинг биринчи йили пиланиларини шараф билан бажарамиз деб партия ва ҳукуматни ишонтирдилар. Улар КПСС XXIV съезди ўтказилган йил зарбдор меҳнат йили бўлади деб ваъда бердилар.

Тошкент область партия комитетининг бюроси Оққўрғон меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади.



## ОЛТИН ФОНД

ТАЛЛИН. Эстонияда ҳар икки колхоз ва совхозда наслиқлик фермаси бор. Улар мамлакатнинг турли районларига чорва молларининг энг яхшиларини юнатиб турадилар. Россия Федерацияси, Украина ва Молдавия хўжаликларига наслдор моллар ортинган қорамоллар эшелони юборилди. «Пиринг» совхозига Эстониянинг тарғил сизирларининг 600 дан ортинган ўтган йили 5000 килограммдан сўт соғиб олинди. Шунингдек Эстониянинг қизил сизирлари ҳам репордчиларда ҳисобланади. «Тарту» совхозидagi сўт соғувчи Вайне Нутт группасидagi сизирлар орасида 7-8 минг ва ундан ортқ килограмдан сўт берадиганлари ҳам бор. Наслдор моллар республика колхоз ва совхозларига катта

даромад келтирмоқда. Утган беш йилликда 50 минг бош қорамолларнинг бўзоқлари, юз минг бошга яқин чўчқа йўлатилди.

## ЯНГИ УЙЛАРДА ҲОВЛИ ТҮЙЛАРИ

ТОЖИКИСТОНДА 1966—1970 йиллар мобайнида 5 миллион квадрат метрдан ортқ ҳажмида уй-жой қурилди. Республикада ҳар беш йилдан бири янги уйлarga кўчб кирди. Республикада уй-жой қурилиши индустриал асосда олиб борилмоқда. Фақат санжинини беш йилликдагина Қайроқум, Ормоникдзобод Калининобода ириқ уйсозлик комбинатлари қурилиб, ишга туширилди. Яқин йиллар ичиде янги етмиш минг квадрат метр ҳажмида уй-жой қуриб берадиган иккинчи Душанба ва Евон комбинатлари ишга туширилади. Биноорлин ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқариш анча кўпайтирилди. Керамзит, кирчилган оҳан тош ва бошқа материаллар ишлаб чиқариладиган янги корхоналар қурилади. Гогжинстонда 1971 йилда давлат капитал маблағлар ҳисобига қарийб ярим миллион квадрат метр ҳажмида уй-жой қуриш мўлжалланди. Қишлоқ жойларда колхозлар маблағи ҳисобига кўп миқдорда уй-жой барпо этилади.

УМУМХАЛҚ зарбдор объекти — Сирдарё ГРЭСи қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Суратда: пешкалам слесарь-монтажчилардан И. Чиланов (чапда), М. Гуничев ва А. Ханов ўртоқлар арматурани пайвандлашда намуна бўлишяпти.

А. Турев фотоси.



## ПАХТАЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

дилер, ёки 8 центнердан ортқ ўсиш бўлишига эришдилар. Ваҳолонки пахта етиштиришда ҳали бир даражада қолиб келаётган айрим районларимиз, колхоз ва совхозларимиз бор. Улар бухороликлардан ибрат олишлари лозим. Қашқадарьликлар ҳам жуда яхши ишладилар. Улар пахта мейдонларини кенгайтирибгина қолмадилар резервларини ҳосилдорлигини оширишга ҳам ҳизмат қилдилар. Натига кувонили бўлди. Область бўйича беш йилликда пахта ҳосилдорлигини ҳар гектар ер ҳисобига 6,5 центнер оширдилар.

Қорақалпоғистон Автоном республикаси пахтакорларининг қарамонига меҳнати ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Бу ерда баҳор бир ой кеч бошланади, куз бир ой эрта тушади. Шунга қарамай қоракөлпоқ меҳнаткашлари бутун куч ва имкониятини пахта ерларини кенгайтириш, ҳосилдорлигини кўтаришга сарф этдилар. Улар неча бор юз берган табиий офатларни енгиб, беш йилда Автоном республика бўйича гектардан олинди пахтани 22,4 центнердан 27 центнерга етказдилар.

Савол. Фаргона водийси пахтакорлари ҳақида нималарни айтиш мумкин? Жавоб. Фаргона водийсининг пахтакорлари республикамиз пахтакорларининг устози бўлиб келганлар, улар ҳозир ҳам шу номга лойиқ кишилардир. Водий меҳнат ахли пахтакорлик номини шарафлаш учун астойдил курашяпти. Афуски, вилт касаллиги пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши натижасида водийда ҳосилдорлик кўтарилмади, айрим жойларда қисман пастлаб кетди. Республика партия ва ҳукумати бунга қарши қаттиқ чоралар қўрди, водий меҳнаткашларига катта моддий-техника ёрдами кўрсатди. Экин майдони вилт билан қаттиқ зарарланган хўжаликларда алмашлаб экиш жорий қилинди, кўплаб минерал ўғит берилди, турли профилактик тадбирлар ўтказилди. Энг муҳими — пахтанинг вилтга чидамли навлари етиштирила бошлади. Натигада Фаргона, Андижон ва Наманган областларининг пахтакорлари ҳам беш йилликда яхши кўрсаткичларга эришдилар. Республика партия ва ҳукуматининг қарорига асосан бу областларда ҳосилдорлигини оширишга қаратилган улкан тадбирлар амалга оширилди.

Савол. Бошқа областлар ҳам яхши пахта мийдорини кўпайтириш борасида дилини қувонтирадиган муваффақиятларга эришди деса бўлади? Жавоб. Шундай дейиш учун ҳамма асослар бор. Сурхондарё, Тошкент, Самарқанд ва Сирдарё областларининг меҳнаткашлари ўтган беш йилликда ундан олдинги беш йилликдагига нисбатан пахта ҳосилдорлигини ошириб, янги тоналари кўпайтирибгина қолмадилар. Шу билан бирга эгаси юқори сорт, теинархи арзан пахта тайёрладилар. Машина теримини ташкил қилишда айниқса яхши кўрсаткичларга эришдилар. Савол. Ингичка толали пахтанинг истиқболи ҳақида нималар дейсиз? Жавоб. Ингичка толали пахта-ни деҳқонларимиз хали равишда ипақ пахта деб аташди. Унинг толаси айнан ипаққа ўхшайди. Енгил саноат учун жуда муҳим ҳам ашё ҳисобланади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтиришга доим катта эътибор бериб келаяптилар. Илгари фақат Сурхондарё областида экилган бу қимматбаҳо экин эндиликда Қашқадарь, Бухоро ва бошқа областларда ҳам ўстириляпти. Республика миз бўйича ингичка толали пахта ҳосилдорлиги беш йиллик бошида 21 центнер эди. Беш йиллик охирида келиб 28 центнерга етди. 1970 йилда 200 минг тоннага яқин ипақ пахта териб олинди. Келгусида обҳаво, иклими мос келадиган областларнинг ҳаммасида бундай нав пахта кўплаб етиштирилади.

Савол. Беш йилликда теримини механизацияни шохасида қандай муваффақиятларга эришилди? Жавоб. Терим машиналари — деҳқонларнинг бахти, таянчи, оғирини енгил, узогини яқин қилляпти. Олдинги беш йилликда пахта давлата йиғим-терими сентябрь ойида бошланиб, декабрь ойининг охирида таямоланди. Чунки теримда кўп куч ҳукмрон эди. Кейинги беш йилликда теримда машиналар ҳукмронлик ўринини эгаллади. Натигада фурсат қисқарди, ҳосил қора совуқ тушиб, егингарчиликлар бошлангунча териб олинмаган бўлди. Масалан, 1970 йилда жуда кўп пахта тайёрланганига қарамай йиғим-терим ноябрь ойидаёқ туғалланди. Юзлаб колхоз ва совхозлар, ўнлаб районлар теримини 20-25 иш кунига туғалладилар. Бухоро, Қашқадарь областлари, Қорақалпоғистон АССРнинг бултурги иш юқини сўзимизнинг иштиботидир. Юбилей йилида республикамиз бўйича бир миллион 600 минг тонна пахта машиналарда саранжом сариштаб

олинди. Беш йилликда машина терими ҳажми 30 процент кўпайтирилди.

Савол. Пахтачиликни ривожлантиришда мисли қўрилмаган галабаларга олиб келган асосий омиллар нималардан иборат?

Жавоб. Партия ва ҳукуматимиз пахтачиликни тарайқий эътибор ва пахтакорлар тўғрисида кун сайин отеларча ғамхўрлик қилмоқдалар. Пахтакор хўжаликлар йил сайин кўпроқ техника воситалари, минерал ўғитлар, гербицидлар олапти, капитал маблағлар миқдори кўпайтириляпти. Деҳқончилик маданияти юксалтириляпти, пахтачилик илмий асосда олиб борилляпти. Эндиликда пахтачилик бошқа тармоқлар учун намунавий лабораторияга айланди. Ҳамма хўжаликларда тўпроқ картограммаларининг тузилиши ва унга қаттиқ амал қилиниши ўғитларнинг самарадорлигини оширди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1970 йил 17 Пленуми пахтачиликни ривожлантиришда гоят катта тадбирларни белгиледи. Натигада янги ерлар ўлаштириш кўпайтирилди, пахта-бедмаккажухори алмашлаб экиш кенг жорий қилина бошлади. Ҳосилдорликда қоқоқ хўжаликларни илгирлар сафига етказишга қаратилган чоралар қурилди. Меҳнатнинг оғир машиналар гардагини орттиди. Тезмакорлик, кўп, арзан ва юқори сорт пахта етиштириш учун кураш умумхалқ ишига айланди.

Пленум қарорларида вилтга қарши қаттиқ кураш олиб бориш муҳим вазифа қилиб қўйилган эди. Пахтакорларимиз бу қарорни ҳаётга татбиқ эта бориб, яхши натижаларга эришдилар. 1970 йилда вилт кўп тарқалган 260 минг гектар майдондаги пахта бошига экинлар билан алмаштириш экинлиги. Ундан ташқари 170 минг гектар ерда ўзганинг вилтга чидамли «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3», «159-Ф», «С-6030» навлари ўстирилиб, пахтадан юқори ҳосил олинди.

Савол. Янги нав пахталарнинг истиқболи қандай?

Жавоб. Келгусида вилтга чидамли пахта навларининг ҳаммасига кенг йўл очиб бераверамиз. Ҳозир бир миллион гектар ерга етказилган вилтга чидамли пахта чигитларни районлаштириш ишлари мейвасига етказилмоқда. Республикада пахтачиликни ривожлантиришга олиб келган асосий омиллар шулар. Лекин шунинг алоҳида таъкидлаш керакики, халқимиз астойдил меҳнат қилди, қийинчиликларни мардонвор енгди. Пахтакорлик неҳини шарафлаш учун кураш кенс-еши, усмир — ҳаммамнинг муваддас бурчиға айланди.

Савол. Янги беш йилликда қанча пахта етиштириш кўзда тутилляпти?

Жавоб. Беш йиллик давомида пахтанинг умумий тоннаси кўпайтириб борилаверади, беш йилликнинг охири — 1975 йилга бориб бир йиллик миқдор 5 миллион тоннани ташкил этади.

## КЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

СОКАЛЬ (Львов области). Львов-Волыск хавазининг шахтёрлари янги йилнинг биринчи ҳафтасиданоқ астойдил меҳнат қилдилар. Улар КПСС XXIV съезди шарафига мусобақани тобора қизитиб ишлаб, топириқда қўшимча равишда олти минг тонна нумир қазиб чиқардилар.

Гарбий Украина қочегарқисининг шахтёрлари янги беш йилликнинг биринчи йилида ўтган йилдагига қараганда қарийб ярим миллион тонна нумир қазиб чиқарадилар.

## КУЛАЙЛИК

ГРОДНО. Саудо машинасозлиги заводи идиш-товонларни ювадиган ярим автомат линиясини кўплаб ишлаб чиқаришга киришди. Бу линия яринқ умумоватланган корхоналарда ишлатишга мўлжалланди. Линиялар ҳар соатда икки минг идиш-товонни юва олади.

Корхона уй бекларининг ҳам хурсанд этди. Тарелка, қошн, вилка ва станани ювиб, қуритадиган маиший автомат-микромашинанинг дастлабиси ишлаб чиқарилади. (ТАСС).


## КВАРТАЛ ПЛАНИ ТАЙЁРИ

Ғиждувон районининг меҳнатсевар чорвадорлари партияимиз XXIV съезди шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, дастлабки галабани қўлаб киртидилар. Улар давлатга гўшт сотиш юзасидан биринчи кварталга белгиланган топириқни муддатидан олдин, 11 январда бажарганликларни тўғрисида галаба рапорти бердилар.

Ғиждувонлик чорвадорлар тайёрлов пунктларига 230 тонна гўшт топиридилар. Давлатга гўшт сотиш давом этмоқда.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРНИ ЎРГАНУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

СОЦИАЛИСТИК ЭКОНОМИКА. ИЖТИМОЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ



СССРнинг жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги салмоқи

УЛУГ Октябрь социалистик революцияси мамлакатимиз халқлари ва бутун инсоният тарихида янги давр очди. «Биз, Совет давлатини кура бошлаган, шу билан бутун тарихнинг янги даврини... бошлаш бахти бизга муассар бўлганлиги билан фахрланамиз», — деб ёзган эди В. И. Ленин «Октябрь революциясининг тўрт йиллигига» мақолисида.

Революция галабасидан кейин Коммунистик партия социалистик экономикани барпо этиш йўлини тугди. Бу йўлда асосий ишлаб чиқариш воситаларини национализация қилиш муҳим қадам бўлди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки декретларида бири Ер тўғрисидаги декрет бўлиб, бунга кура ҳамма ерлар умумхалқ мулки деб эълон қилинди. Банклар, фабрикалар, заводлар, шахталар ва бошқа хусусий капиталистик корхоналар национализация қилинди ёки давлат мулкига айлантирилди. Шундай қилиб, Совет давлати экономика соҳасида ҳам қўмондонлик ҳуқуқларини ўз қўлига олди.

Совет халқи жуда катта қийинчиликларини енгиб, капиталистик қўршов шароитида империалистик ва граждандар уруши натижасида вайрон бўлган хўжалигини ўз кучи билан қайта тиклади ва социалистик экономикани собит қадамлик билан янада ривожлантириш учун мухтакам негиз яратди.

Социалистик қурилишнинг ленинча пилани ўз ичига мамлакатини индустриалаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революцияни амалга оширишни олганди. В. И. Ленин раҳбарлигида иқтисодий ривожланишнинг биринчи перспективаси пилани—Россияни электрлаштириш Давлат пилани (ГОЭЛРО) ишлаб чиқилди. ГОЭЛРОнинг эллик йиллиги 1970 йил декабрь ойида нишонланди. Бу пиланинг амалга оширилиши пилани раҳбарлик қилиш соҳасида зарур тажриба тўплаш ва халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик пиланларига ўтиш учун шарт-шароит яратиш имконини берди.

Партиямиз ва бутун совет халқининг хўжалик қурилиши соҳасидаги астойдил ишлари муваффақият билан якунилади. Урушдан олдинги беш йиллик пиланларининг бажарилиши тўғрисида мамлакатимизда социализмнинг моддий-техника баъаси яратилди.

Қудратли социалистик индустрия социализм моддий-техника баъасининг негизи бўлди. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми бўйича СССР Франция, Англия, Германияни кўчиб ўтди, Европада биринчи ўринга чиқиб олди. Қисқа муддат ичиде станокосозлик, автомобиль ва тракторсозлик, авиация, химия саноати сингари индустриянинг янги тармоқлари барпо этилди, металлургия, ёқилга қазиб чиқариш, енгил ва озиқ-овқат саноати, темир йўл, сув ва ҳаво транспорти те суръатлар билан ўсди.

Қишлоқ хўжалигида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Майда янқа хўжаликлардан бирик социалистик корхоналарга — колхозлар ва совхозларга ўтирилгани мамлакатнинг зарур маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш, сўнгги эксплуататор синф бўлган кулакларнинг қаршичилигини бартараф қилишни таъминлади.

Шу билан бир вақтда маданий қурилиш соҳасида жуда катта тадбирлар ўтказилди. Аҳолининг ёписанга саводли бўлишини, фан ва маданиятнинг тез оқибатини, илми ва деҳқонлардан мухтамакселар тайёрлашни таъминловчи халқ маорифининг янги системаси барпо этилди.

«30-йилларда, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев 1970 йил 21 апрелда В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллигига бағишланган докладыда, — социализм мамлакатимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида мустақам қарор толди. Бекяёб шидат билан олға интилувчи, куч-гайратга тўлиб тошган социалистик индустриал-колхозлашган давлат жаҳон аҳлининг кўз ўнгиде намойё бўлди». Мамлакатимизда социализм галабаси 1936 йил декабрида қабул қилинган СССР Конституциясида қайд қилинди.

Урушдан илгарини беш йилликлар даврида барпо этилган қудратли социалистик индустрия ва коллектив қишлоқ хўжалиги 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида фаншам устидан совет халқи галабасининг моддий негизи бўлди.

Уруш мамлакатимиз халқ хўжалигида жуда катта зарар етказди. Фашистлар томонидан вагинча босиб олинган районларда дувшманлар ўн мингларча фабрика ва заводларни, колхоз ва совхозларни вайрон қилди. Урушнинг оғир оқибатлари инчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, эйилчиларнинг қахрамонона меҳнати тўғрисида тегада бартараф қилинди. Мамлакатимизда ижтимоий ишлаб чиқариш

нинг урушдан олдинги даражасига етиб олди ва урушдан кейинги биринчи беш йилликдаёқ ундан ўзиб кетилди. Сўнгги беш йилликлар СССРнинг коммунизм йўлидан янада қудратли ривожланиш даври бўлди.

Беш йилликлар даврида мамлакатимизнинг индустриал тарақияти суръатларини қўйидаги маълумотлар янқоқ кўрсатиб турибди: СССРда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши

(1928 йилга нисбатан беш йилликнинг сўнги йили)

I беш йиллик (1928—1932 йиллар) — 2 баравар

II беш йиллик (1933—1937 йиллар) — 4 баравар

III беш йиллик (1938—1940 йиллар) — 6 баравар

IV беш йиллик (1946 — 1950 йиллар) — 11 баравар

V беш йиллик (1951—1955 йиллар) — 21 баравар

VI беш йиллик (1956—1960 йиллар) — 34 баравар

VII беш йиллик (1961—1965 йиллар) — 51 баравар

VIII беш йиллик (1966—1970 йиллар) — 75 баравар

СССРнинг юксак суръатлар билан ривожланиш натижасида унинг жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси муттасил ошиб бормоқда ва ҳозир деярли 20 процентини ташкил этади.

Эндиликда жаҳон социализм системаси умуман бутун саноат маҳсулотининг ўндан тўрт қисминини бермоқда.

СОЦИАЛИСТИК ХЎЖАЛИК СИСТЕМАСИ

СОЦИАЛИСТИК хўжалик системасининг асосий хусусиятлари қандай, унинг капиталистик системадан афзалликлари нимада?

Социализмнинг иқтисодий негизи, унинг белгилувчи хусусияти ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий эгаллик қилинидир. Бизнинг мамлакатимизда социалистик мулк хўжалигининг барча тармоқларида мулк ҳужум-ройдир.

Социализмда ижтимоий мулкликлик икки формада — умумхалқ (давлат) ва кооператив-колхоз формаларида амал қилади.

Умумхалқ мулки бизнинг хўжалигимизда етакчи роль ўйнайди. У ишлаб чиқаришнинг ҳамма ҳал қилувчи воситаларига — ер, давлат саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, қурилиш, транспорт, савдо ва бошқа хўжалик ташкилотларига тааллуқлидир. Бу умумхалқ мулки. Заводлар, совхозлар ва бошқа давлат корхоналарининг мулки ва маҳсулоти бутун халқникидир. Ҳозирги вақтда давлат секторида халқ хўжалигида банд бўлганларнинг бешдан тўрт қисмига яқини меҳнат қилмоқда.

Кооператив-колхоз мулки колхозлар ва матлубот кооперативси мулки ва маҳсулотида иборат. Давлат мулкидек, кооператив-колхоз мулки ҳам ижтимоий, социалистик характерга эга. Ленин бу мулк бутун халқники эмас, балки муайян коллективларининггина мулки. Ҳозирги вақтда колхоз-кооператив секторида халқ хўжалигида банд бўлганларнинг бешдан тўрт қисмига яқини меҳнат қилмоқда.

«Колхоз тўзуми, — дейилади колхозчиларнинг Бутуниттифоқ учинчи съезида 1969 йил 27 ноябрда қабул қилинган намунавий колхоз Уставида, — совет социалистик жамиятининг ажралмас қисми демекдир, — бу деҳқонлар аста-секин коммунизмга ўтишини В. И. Ленин томонидан белгилан берилган, тарихан синналган ва деҳқонларнинг хусусиятлари ҳамда манфаатларига мос бўлиб тўшадаган йўли демекдир. Колхоз — деҳқонлар учун коммунизм мактаби демекдир».

Жамиятимиз коммунизм йўлидан ривожланиб бorgan сари давлат ва колхоз-кооператив мулк формалари ўзаро тобора яқинлашиб бормоқда. Келажакда улар ягона коммунистик мулкка айланади.

Социалистик мулкнинг икки формада ҳужум-ролик қилиши принципи жиҳатидан олғанда капитализмдагидан бошқача ишлаб чиқариш муносабатлари характерини белгилайди. Ишлаб чиқариш воситалари хусусий мулк бўлган капитализмда анархия ва рабобатга асосланган муносабатлар ҳужум суриб, капиталистлар ёлланма ишчилар ва меҳнатқиларнинг

бошқа қатламларини эксплуатация қилади ва талайди. Социализмда эса кишиларнинг ишлаб чиқаришдаги муносабатлари пилани ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва ўртоқларча муносабатларидир.

Ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик қилиш формалари ижтимоий ишлаб чиқариш характерини, унинг ривожланиш қонуниятларини, мақсадини белгилайди.

Капиталистик ишлаб чиқаришнинг мақсади шундан иборатки, у жуда қаттиқ эксплуатация қилиш йўли билан меҳнатнашлардан мумкин қадар кўп фойда ундириб олади.

КПСС Программасида таъкидланганидек, социалистик ишлаб чиқаришнинг мақсади ижтимоий ишлаб чиқаришга узлуksiz ривожлантириш ва тақомиллаштириш йўли билан халқнинг тобора ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини тобора кўпроқ қондиришдан иборат. Социализм асосий иқтисодий қонунининг моҳияти ана шунда. У социалистик ишлаб чиқаришнинг мақсадини ва унга эришиш воситаларини характерлайди.

Партиянинг иқтисодий сясати социализмнинг асосий иқтисодий қонунига мувофиқ, экономикани юксак суръатлар билан ривожлантиришни ва халқнинг моддий фаровонлигини оширишни назарда тулади. Конкрет шароитга қараб меҳнатқиларнинг турмуш даражасини ошириш йўллари ҳар хил бўлиши мумкин. Булар — меҳнатга тўланадиган ҳақни ошириш, аҳолининг айрим гуруҳларидан олиннадиган солиқларни қисқартириш ва бекор қилиш, товарлар ва маданий хизмат нархларини камайтириш, пенсияларни, нафақаларни, ҳар хил имтиёзларни қўлайитиришдан иборат. Шу тадбирларнинг асоси ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришидир. «Ишлаб чиқарилган, инсон қўли ва идрок билан яратилган нарсаларининга истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш мумкинлигини исботлаб ўтиришдан ҳоҳлат йўқ деб ўйлаيمان, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев «Ленин иши шимоқда ва галаба қозониқда» деган докладыда, — совет кишиларнинг турмуш даражаси қандай бўлиши уларнинг ўзларига боғлиқ. Бугун биз кечати кишиларга яраша ишлаймиз, эртага эса бугунги иш-ишга яраша ишлаймиз».

Давлат аҳамиятига эга бўлган халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик ва йиллик пиланларида ишлаб чиқарувчи кучларни узлуksiz ривожлантириш, халқ турмуш даражасини ошириш назарда тутилди.

Хўжаликни пилани бошқариш — социализмнинг капитализмга нисбатан бекиёб афзалликларида биридир. У мамлакатнинг барча меҳнат, моддий ва мулки ресурсларини энг самарали фойдаланишни, экономикани юксак ва барқарор суръатлар билан ривожланишини таъминлайди.

Бироқ, социалистик хўжалик системасининг афзаллигини ўз-ўзидан амалга ошмайди. Унинг тўла-тўқис намойён бўлиши учун жуда катта ташкилотчилик ишлари олиб бориш лозим бўлади. Иқтисодий қурилишга раҳбарлик қилиш — социалистик давлатнинг энг асосий функцияларидан биридир. У давлат бошқариш органлари системаси орқали халқ хўжалиги барча тармоқларида марказлашган раҳбарликни амалга оширади, — айни вақтда хўжалик масалаларини ҳал қилишда маҳаллий органлар, корхоналар, меҳнатқилар коллективларига зарур мустақиллик беради.

Социализмда меҳнатқиларнинг, ишлаб чиқариш коллективлари ва бутун жамиятининг тўла манфаатлари бир-бирига мос бўлиб, улар орқали жиҳатдан биришиб кетади. Ижтимоий ишлаб чиқариш қанчалик муваффақиятли ривожланиб бorsa корхоналар ва уларнинг ходимлари барча зарур нарсалар билан шунчалик яқини таъминланади. Ўз набағтин, жамият ҳам барча ишлаб чиқариш корхоналари, ҳар бир меҳнатқиланинг энг яқини ишлашдан жуда манфаатдордир. Бошқача қилиб айтганда, социализмда ҳар бир меҳнатқил умумий ишининг муваффақиятидан ҳам маънавий, ҳам моддий манфаатдордир. Айни вақтда барча меҳнатқилар ҳам ҳар бир кишининг энг яқини ишлашдан манфаатдордир.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ СТРУКТУРАСИ

МАМЛАКАТИНИНГ бутун халқ хўжалигини икки йирик фаолият соҳасига — ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришга

онд бўлмаган соҳаларга бўлиши мумкин.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасига қуйидагилар кирди: саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, юк ташини транспорти, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш алоқаси, шунингдек савдо, умум оқватланиш, моддий-техника таъминоти, тайёрлам ва сотиш. Булар ишлаб чиқаришнинг нормал боршини ва моддий бойликларнинг истеъмолчиларга етиб боришини таъминлайди. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида халқ хўжалигида банд бўлганларнинг бешдан тўрт қисми меҳнат қилмоқда.

Халқ хўжалигининг ишлаб чиқаришга онд бўлмаган тармоқларига қуйидагилар кирди: солиқни сақлаш ва социал таъминот, маориф, маданият, савъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш, тувар-кой-коммунал хўжалик, аҳоли маийн хизмат кўрсатиш, пассажирлар ташийдиган транспорт ва аҳолига хизмат кўрсатиш алоқаси, Давлатни бошқариш органлари, кооператив ва жамоат ташкилотларини бошқариш органлари, кредит ва бошқа баъзи муассасаларнинг аппарати ҳам шулар қаторига кирди. Совет ҳокимияти йилларида ишлаб чиқаришга онд бўлмаган тармоқларнинг салмоғи кўпайди. Агар 1913 йилда бу соҳада барча меҳнатқиларнинг атиси 5 процентини ташкил қилган бўлса, ҳозир 21 процентдан кўпи хизмат қилмоқда. Коммунистик партия халқ сийҳат-саломатлигини сақлаш, маориф, маданият, фанни ривожлантириш, аҳолининг маийн эҳтиёжларини қондириш тўғрисида доимо гамхўрлик қилиб келмоқда. Бундан кейин ҳам, моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига қараб СССР халқ хўжалигининг ишлаб чиқаришга онд бўлмаган соҳаларида хизмат қилувчиларнинг ҳиссаси ошиб боради.

Моддий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғи — саноатдир. «Деҳқончиликни ҳам қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатига социализмнинг бирдан-бир моддий асоси бўлиши мумкин», — деган эди В. И. Ленин. Саноат (индустрия) халқ хўжалиги учун зарур бўлган табиий хом ашё ресурсларини қазиб чиқариши, саноат ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашни, ундан ижтимоий ишлаб чиқариш ва истеъмол учун тайёр маҳсулот чиқаришни таъминлайди.

Саноатда совет жамиятининг етакчи, онгли кучи бўлган ишчилар синфининг асосий қисми меҳнат қилади. Индустриянинг ривожланиши халқ хўжалигида техника тарақиятининг асоси бўлиб хизмат қилади, халқ турмуш даражасини онгшмай юксалтириши, мамлакат мувоффақияти мустақамлашсини таъминлайди.

Совет беш йилликлари саноатимизнинг қилбасини тўлдан ўзгариштирди юборди. Эндиликда саноатимиз чор Россияси бутун бир йил ичиде қанча саноат маҳсулоти берган бўлса, беш кун ичиде шунча маҳсулот бермоқда.

Саноат маҳсулоти икки қисмга — «А» гуруҳасига ва «Б» гуруҳасига бўлинади. «А» гуруҳасига ишлаб чиқариш истеъмол учун фойдаланиладиган маҳсулот (ишлаб чиқариш воситалари) кирди. Ишлаб чиқариш воситаларининг асосий қисми оғир саноат корхоналарида яратилади. Оғир индустрия металл ва ёнлиги, электр энергияси ва турли хил химия маҳсулотлари, машиналар ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ҳамда бошқа ишлаб чиқариш воситалари беради. Оғир индустриянинг юраги ҳар томолама ривож топган машинасозлик, химия саноати ва энергетика бўлиб, у техника тарақияти суръатларини ва халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат унумдорлигини оширишни белгилайди.

«Б» гуруҳасига ишлаб чиқаришга онд бўлмаган истеъмол учун фойдаланиладиган маҳсулот, истеъмол буюмлари кирди. Уларнинг асосий қисми енгил ва озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқарилади. Бунга, масалан, кийим-кечак, пойфазал, ёғ, нон, қанд ва бошқа истеъмол буюмлари кирди.

«А» гуруҳаси билан оғир саноатини, «Б» гуруҳаси билан енгил саноатини бир-бирига тенгаштириш нотиғри бўлур эди. Гап шундан, у ёни бошқа гуруҳага маҳсулот, одатдагидек, ундан амалда қандай фойдаланилиши қараб киритилади. Айнан бир саноат маҳсулоти моддий ишлаб чиқариш соҳасига мўлжалланган бўлиши мумкин. Бундай тақ-

дирда у «А» гуруҳасига киритилади ёки аҳолига сотишга мўлжалланган бўлиши мумкин. (Бундай тақдирда у «Б» гуруҳасига киритилади). Масалан, мамлакатда ишлаб чиқариладиган газламаларнинг ярмидан кўпи яна саноатда қайта ишлаб чиқаришга кетади. (Асосан тикувчилик саноатида). Бинобарин у «А» гуруҳасига тааллуқли бўлади. Бошқа қисми чакана савдога кетади ва «Б» гуруҳасига тааллуқли бўлади.

Ишлаб чиқариш истеъмолга енгил ва озиқ-овқат саноатининг кўп қисми кирди (чарм, ун, гўшт, қанд ва ҳоказолар). Айни вақтда оғир саноат корхоналари фақат ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариб қолмасдан, шу билан бирга кўпгина истеъмол буюмлари турлари — радиоприемниклар, телевизорлар, енгил автомобиллар, велосипедлар, соатлар ва бошқа маданий-маийн буюмлар ҳам ишлаб чиқарилади. Ҳозир «Б» гуруҳаси маҳсулотларининг тахминан бешдан бир қисми оғир саноат корхоналарида ишлаб чиқарилади. Бу ҳисса тобора кўпайиб бормоқда.

Партияимизнинг оғир индустрияни бутун чоралар билан ривожлантириш йўли мамлакатнинг иқтисодий қудратини мустақамлаш билан бирга халқ фаровонлигини онгшмай ошириб боришни ҳам таъминлайди.

Моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа йирик соҳаси — қишлоқ хўжалигидир. Қишлоқ хўжалиги аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг эса қишлоқ хўжалик хом ашёсига бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган. Қудратли саноат билан бир қаторда ҳар томолама ривожланган ва юксак унумли қишлоқ хўжалигини вуружда келтириш социалистик экономикани муваффақиятли ривожлантиришнинг зарур шартидир.

Совет ҳокимияти йилларида қишлоқ хўжалигининг ялли маҳсулоти қарийб уч баравар кўпайди. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми (1970 йил) шунини таъкидладики, саккизинчи беш йилликда колхозчилар ва совхоз ишчилари шаҳар меҳнатқиларининг актив ёрдамида қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга эришилди. «Бирок, — дейлади пленум қарориде, — унинг ривожланиши ақуларига мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларини ва саноатнинг хом ашёга бўлган тобора ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш нукдан назардан баҳо берадиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражасини етарли деб бўлмайди. Совет экономикасини ривожлантириш суръатлари, халқнинг турмуш даражаси муттасил ошиб бораётганлиги қишлоқ хўжалиги олдиға янги, янада юксак талаблар қўймоқда».

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг кейинги беш йилликка мўлжалланган программасини белгилаб берди. Бу программа дон, гўшт, сўт, тухум ва бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча қўлайитиришни назарда тулади.

Моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоғи қурилиш бўлиб, у янги корхоналарни, ишлаб чиқариш ва маданий-маийн характерга эга бўлган бинолар ва иншоотларни ишта туширишни таъминлайди. Мамлакатимиздаги қурилиш кўлами ҳақида қанчалик маблағлар ҳажмининг ўсиши тасаввур беради. Совет ҳокимияти йилларида халқ хўжалигида сарфланган капитал маблағлар ҳажми 65 баравар ўсди. 1970 йилда капитал маблағлар урушдан олдинги ҳамма беш йилликлардагига нисбатан анча кўп бўлди.

Ҳар қандай мамлакатда, хусусан бизнинг шундай катта мамлакатда юк ташини транспортнинг роли каттадир. Миллиард-миллиард тонна-километр билан ўлчанадиган юк ташини оборотининг умумий ҳажми 1970 йилда 1913 йилдаги даражадан тахминан 30 баравар ошиб кетди. Бугун юк оборотининг ундан икки қисми темир йўл транспортига тўғри келади. Сўнгги йилларда денгиз, ҳаво, автомобиль ва нефть уағтиш транспортининг роли тобора ошиб бормоқда.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан топар оборотининг ҳажми, моддий-техника таъминоти, тайёрлам ва сотиш ҳам кўпаймоқда. 1970 йилда давлат ва кооператив савдоининг чакана товар обороти умумий ҳажми урушдан илгарини даражадан олти ярим баравар ошди. Бу совет халқи моддий фаровонлиги онгшайиланинг ҳам ёркин кўрсатиқчидир.

Мамлакатимиз моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг қисқача характеристикаси ана шундай. Моддий ишлаб чиқариш соҳасиде барча шу тармоқларнинг бир йилги маҳсулоти ялли ижтимоий маҳсулотни ташкил этади. Сўнгги ўн йил ичиде у ўн баравар кўпайди ва 1970 йилда 600 миллиард сўмдан кўп бўлди.

(Давоми бор).



ПАРТИЯМИЗНИНГ навбатдаги XXIV съезди шароитида тўбора кучайтираётган Самарқанддаги Завтормонот заводининг коллективни биринчи қарвалга пилани барвақт бағаришга ҳаранат қилмоқда. Суратда: слесарь-йиғувчи А. Давронов меҳнат вахтасида туриб ишлаб, смена топириқларини мунтазам бир ярим ҳиссадан эдо этимоқда. А. Кузьменко фотоси (ЎЗТАП).

**ГАЗЕТ ХОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ**

ЕЗЕВОН, 12 январь («Совет Ўзбекистони» мухбири). Кеча, Охун-Бобоев райони марказида «Совет Ўзбекистони» газетхонларининг конференцияси бўлиб ўтди. Газета редакторининг ўринбосари Х. Едгоров редакциянинг иш фаолияти ҳақида ҳисобот берди.

Конференцияда «Ленин йўли» район газетаси редакторининг ўринбосари К. Юсупов, район меҳнатнашларидан Е. Қоёмов, Т. ўринбоев, А. Шукуров, Ж. Мамадалиев, Чкалов номли ўрта мактаб ўқувчиси С. Валиева, район партия комитетининг биринчи секретари Е. Назиров, область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири Р. Қосимова ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар. Улар газета саҳифаларида берилган материалларни атрофияча таҳлил қилиб, газетани янада ўқинишли ва қизиқарли қилиб чиқариш, кўп қиррали ҳаётимизда вузудга келтирилган янги, илғор нарсаларни кенг пропаганда қилиш ва оммалаштиришга доир қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Редакция коллективининг эътиборини шу кунининг энг муҳим масалаларига қаратдилар.

Худди шу кунини область «Коммуна» газети редакциясида кўшма летучка бўлиб ўтди. «Совет Ўзбекистони» газетаси родколлегиясининг аъзолари «Коммуна» газетасининг ўтган йил охири ва шу йилнинг дастлабки ҳафтасида чиққан сонларини таҳлил қилиб бердилар.

**О С Т А Н К И Н О ТЕЛЕМИНОРАСИ УЧУН**

Москвада 500 метрли Останкино телеминораси қўнқа бўйи ҳўмоқда. У осмонлар маътағина эмас, балки катта ва мураккаб электротехник иншоот ҳам бўлиб қолади, марказий телевидение студиясининг қўрсатувларини Ватанимизнинг ҳамма бурчақларидан кўриши имконини беради.

Қўрсатувлар техник жиҳатидан юқори сифатли бўлиши учун телеминоранинг электр тармоғида максимал даражада барқарор кучланган мавжуд бўлиши керак. Ана шундай кучлангани таъминлай оладиган трансформаторларни ишлаб чиқариш вазибаси Бутуниттифоқ трансформаторсозлик институтининг Чирчиқдаги филиали коллективига тоширилган эди. Чирчиқ трансформатор заводи эса шу асосда янги трансформаторларни тайёрлайдиган бўлди. Иш нақадар масъулиятли бўлишига қарамай, филиалнинг бир гуруҳа конструкторлари Ренат Саримсоёв бошчилигида мазукур буюртмани бажаришга киришди. Кўп вақт ўтмасдан заводга янги трансформаторнинг техник ҳужжатлари ва чизмаларини етказиб беришди. Янги трансформаторни тайёрлаш вазибаси деҳининг Рамази Абдулва



\*НИЛ ДАРЁСИ ОДАМЛАР ИЗМИДА \*«МАДАНИЙ РЕВОЛЮЦИЯ» ДАН СЎНГ...

\*СИНФИЙ ЖАНГЛАР АВЖ ОЛМОҚДА \*ОЛИМЛАР ЕЧОЛМАГАН МУАММО...

АСВОН ТЎҒОНИ ҚУРИЛИШИДА

ДЎСТЛИК РАМЗИ

Асвон тўғони яқинида араб ва совет халқлари дўстлигига бағишланган ёдгорликка кўзингиз тушадми. У ҳар қачон халқнинг ҳамкорлиқдаги жасорати рамайдир. Бу ёдгорлик Нилда амалга оширилган мўъжиза ҳақида келажак авлодларга сўзлаб беради.

Нил дарёсида тикланган асримизнинг ноёб иншооти Баланг Асвон тўғони қурилиши ишлари охирига етказилди. Балангнинг 111 метр, узунлиги 3830 метр бўлган ана шу қурилишда улкан ишлар амалга оширилди.

Бу ерда қурилган гидро электр станцияси мамлакатнинг электр қуввати билан тўлроқ таъминлаш имконини беради. Сунгги шароитнинг яхшиланиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва қўйлаб электр энергияси ишлаб чиқарилиши натижасида мамлакатнинг йиллик даражаси 235 миллион Миср фунтига ошди.

Асвон тўғони қурилиши катта тарихга эга. 1898—1902 йилларда Асвонда учта баланд бўлмаган тўғон қурилган эди. Кейинчалик 1912—1932 йилларда у яна баландлаштирилди. Бироқ ўша пайтда ажузда қолтирилган сув омбори Миср халқининг охиш бораётган эҳтиёжларини қондирилмас эди.

Худди ана шу пайтларда Миср ва Суданни сув билан таъминлаш бўйича Англия ва Франция билан бўлаётган келишмовчиликларда бир неча сув омбори ташкил этиш кўзда тутилган эди. Бироқ у Мисрнинг сув билан тўла таъминлаш имконини бермади. Дарё сувининг ҳар томонини қишлоқ хўжалиги ва саноат учун ишлатишга имкон берадиган тўғон керак эди.

Бу проблема 1952 йилги револуциядан кейингина ҳал қилинди. 1952 йилнинг 8 октябрда Асвонда тўғон қуришга тайёргарлик кўришга киришиш тўғрисида декрет чиқарилди. Дастлаб Германия, Франция ва Англия лойиҳалари тақлиф этилди. Халқаро реконструкция ва тараққиёт банки лойиҳани 418 миллион Миср фунти билан баҳолади. АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматлари аввалга 200 миллион доллар миқдорда моддий ёрдам беришга рози бўлдилар, лекин мамлакатнинг иқтисодий мустакиллигини кучсизлантиришга қаратилган шартларни кўйдилар.

1955 йилнинг сентябрендан қурилишга тайёргарлик ишлари бошланди. Бироқ бир йил ўтган, АҚШ ҳукумати, ундан кейин эса Буюк Британия ҳукумати Мисрға ёрдам беришни тўхтатишга қарор қилишди. АҚШ ва Германия Европанинг реакция доиралари шу тарихда Миср халқига таъин қўйиб, уларни ўз йўлларидан тўйдирди, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини тўхтатишга, шу билан Мисрда ва бутун Янги Шарқ районида ўз таъсирларини сақлаб қолмоқчи бўлишди.

Табиики, Миср халқи бунга рози бўлмади ва мамлакат ҳукумати ёрдам сўраб СССРга мурожаат қилди. 1958 йилнинг октябр охирида тўғон қурилишига техникавий ёрдам кўрсатиш ва уни моддий таъминлашда қатнашиш тўғрисида СССР билан бир битимга келинди. 1960 йилнинг августда қурилишнинг иккинчи навбати ёрдам кўрсатиш тўғрисида Совет Иттифоқи билан яна битим имзоланди.

Тўғон қурилиш ишлари ҳар икки томоннинг келишувига биноан пункт-пункт, белгиланган муддатларда бажариб борилади. 1964 йилнинг 15 майда тўғон Нил сувининг йўлини тўсди. 1968 йилнинг декабрда эса тўғон лойиҳада кўрсатилган белгига етказилди. 1966 йилнинг 27 октябрда турбинанинг биринчи иши илдиришга ўрнатилди. 1967 йилдан бошлаб эса ҳар йили гидро электр станциянинг ўртадан агрегати ишга тушириб турилади. Сунгги, 12-агрегат 1970 йилнинг июлида ишга тушди.

Шундай қилиб, Баланг Асвон тўғони ва гидро электр станцияси комплекси тўла ишга туширилди. Шу йилнинг 15 январидан унинг тантанали очилиш маросими бўлди. Бу улкан қурилиш Бирлашган Араб Республикаси халқларига хизмат қилади, уларнинг боиллигига бойлик қўшади ва мамлакат учун кенг истиқболлар очиб беради. Нилдаги улкан қурилишнинг тугалланиши совет ва Миср халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлигининг мангулик рамизи бўлиб хизмат қилмоқда.

К. СМРНОВ, Асвон тўғони қурилишида бош совет мутахассиси, Социалистик Меҳнат Қўрамови. [АПН].

ЧЕТ ЭЛЛАРДА




ХИТРОЙ: СЕССИЯГА ТАЙЁРГАРЛИК

ХИТРОЙ: СЕССИЯГА ТАЙЁРГАРЛИК

«Жаньминь жибао» газетаси хабарига кўра, бу йил Хитой Халқ Республикасида Халқ Вакиллари Умумхитой йиғилишининг сессиясини чақириб мўъжизалантишти. Сессиянинг қачон чақирилиши гоат сир тутилаётганига қарамай, Пекиндаги чет эл кузатувчилари сессиянинг январ ойида чақирилиши эҳтимолдан ҳоли эмас, демоқдалар.

1954 йилги конституцияга мувофиқ ХХРнинг қонун чиқарувчи олий органи бўлмиш Халқ Вакиллари Умумхитой йиғилиши бундан 6 йил аввал—1964 йилнинг декабри—1965 йилнинг январ ойида чақирилиши эҳтимолдан ҳоли эмас, демоқдалар. 1954 йилги конституцияга мувофиқ ХХРнинг қонун чиқарувчи олий органи бўлмиш Халқ Вакиллари Умумхитой йиғилиши бундан 6 йил аввал—1964 йилнинг декабри—1965 йилнинг январ ойида чақирилиши эҳтимолдан ҳоли эмас, демоқдалар.

Хитойдан олинган айтим маълумотларга қараганда, Халқ Вакиллари Умумхитой йиғилишининг сессиясида тайёргарлик мураккаб вазиятда ўтмоқда. Умумхитой йиғилишининг депутатлари вилоят халқ йиғилишларида сайланган. Бундай йиғилишлар мамлакатнинг шу райондаги аҳоли катта қисмининг фикри ва иродасини ифодаловчи муътабар анжуман эди. Бироқ, «маданий револуция» даврида амалда бўндай йиғилишларни чақириб тўхтатиб қўйилди. Сунгги вақтда халқ йиғилишлари ўрнига «Мао голярини ўргатуви» активларининг сессиялари чақирилди. Бундай «Мао голярини ўргатуви» сессиялари «Тўртта яхши» роталар тузиш ҳаракати» қатнашчиларининг сўзлари чақирилди. Матбуотнинг хабарларига қараганда, Хитойдаги 29 та вилоят ва автоном районларнинг аридан охирида «Мао голярини ўргатуви» активларининг сессиялари ўтказилган. Халқ Вакиллари Умумхитой йиғилишининг бўлажак сессиясида қатнашадиган депутат мана шу «сезлар» да тайинланган бўлса, эҳтимол. (ТАСС).



Стара-Загора шахридаги «Чрвено знамя» машинжозилин заводи Болгариядаги озиқ-овқат саноати учун машина ва усунулар тайёрловчи энг йирин норхонадир. Завод махсус лотининг аридан кўпроги Европа, Оснб, Жанубий Африка ва Жанубий Америка мамлакатларига экспорт қилинади. Суратда: йиғув цехида. БТА—ТАСС фотоси.

СОВЕТ-СУДАН ХАМКОРЛИГИ

ХАРТУМ. 11 январь. (ТАСС). Совет—Судан ҳукумат делегациялари ўртасида олиб борилаётган музокаралар натижасида узоқ муддатли битим имзоланди. Бу битимда икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажминини 1971—1973 йилларда янада кўпайтириш кўзда тутилди. Битимни Совет томонидан СССР ташқи савдо министри Н. С. Патолочев, Судан томонидан—экономика, савдо ва таъминот министри Мансур Махжуб имзоладилар. Икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми кейинги йилларда тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Натижада Совет Иттифоқи Судан Демократик Республикаси билан катта савдо қилаётган асосий мамлакатлардан бири бўлиб қолди. Судан Совет Иттифоқига узун толали пахта, ерғоқ, кунжут ва бошқа моллар етказиб бормоқда. Совет Иттифоқи Суданга тракторлар, автомобиллар, йўл қуриш ускуналари, тахта, дори-дармонлар, химикатлар ва бошқа молларни юбориб турибди.

МОЛИЯВИЙ АҲВОЛ ЁМОНЛАШМОҚДА

ЛОНДОН. 11 январь. (ТАСС). Британия тред-юнионлари конгрессининг мамлакатнинг иқтисодий қийинчиликлари тўғрисида бугун эълон қилинган махсус доклады, ҳозирги консерватив ҳукуматининг иқтисодий йўли Англияда инфляция тенденцияларининг ҳалокатли ўсишига ёрдам беради, дейилади. Шу ҳужжатда Англия ҳуқумрон доираларининг, ишчиларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талаблари молиявий аҳволнинг танлашувига сабаб бўлмоқда, деган даъволар пуч эканлиги таъкидланади. Ваҳолонки, дейилади докладыда, нархлар тўхтовсиз ўсиб бораётганига, ишсизлар кўяйиб бораётганига қарши чоралар кўришдан ҳукумат беш торт таътилган инфляцияга асосий сабаб бўлмоқда. Британия тред-юнионлари конгрессининг бош секретари Виктор Фезер махсус доклад эълон қилинганлиги муносабати билан айтган гапиде, ҳукумат меҳнат-кашларнинг иш ҳақини оширмасликка ҳамма воситалар билан уришиб, айнаи вақтда «нархларнинг контролсиз ўсиб боришига йўл қўймоқда» деб уқтириб ўтди.

ЎЗ-ЎЗИНИ ЎЛДИРГАН КИТЛАР

НЬО-ЙОРК. 11 январь. (ТАСС). Лос-Анжелесдан сал нарироқдаги одам яшамайдиган Сан-Клементе ороли суҳилларида 29 та кит ўз-ўзини ноубуд қилди. Китларнинг бундай «ўз-ўзини ўлдириши» нам учрайдиган ҳолиса эмас. Йирин дегиз хайвонлари оммавий ҳалокатининг сабаблари ҳамон сирлигина қолмоқда. Бундай ҳолисалар Қўшма Штатларнинг Шарқий соҳилларида кўп марта бўлган бўлган. Американинг авиаконкомпаниялари ишчи ва хизматчиларини ишдан бўшатмоқдалар. 1970 йилда пассажирлар ва таъинладиган юллар миқдори кескин суратда кўпайиб кетганлиги натижасида авиаконкомпанияларнинг қўйинлиги катта зарар кўрди. (ТАСС).

БУ ФАКТЛАРНИ ТАҚҚОСЛАБ КЎРИНГ

АҚШ ҳукумати давлатнинг 8 та госпитали билан 30 та клиникасини «иқтисод қилиш мухоазарига кўра» ёпиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқмоқда: Соғлиқни сақлаш, маориф ва социал таъминот министри Э. Ринардон шу гапни маълум қилди. Министр «бу ниати федерал бюджет гоьтада танг» аҳволда, ҳукумат «тегишли даражадаги медицина ёрдами таъминлаш имкониятига эга эмас» деб оқлашга уринди. Бу Ок-уй Америка аҳолисининг манфаатлари ҳисобига «маблаг тегаган» бирдан-бир ҳол эмас. Ишсизларга қисман ёрдам кўрсатиш ва врачлар тайёрлашга маблаг ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларига яқинда президент Никсон қарши чиқиб, уни ўтказмай қўйганини ҳам шуни билдиради. СССР соғлиқни сақлаш министри академик Б. В. Петровский маълум қилдики, Совет ҳукумати 1971 йилда медицина муассасалари билан физкультурани ривожлантиришнинг ўзигагина 9 миллиард сўм пул ажратди. 1970 йилда давлатнинг медицина ёрдамига қилган харажатлари 1965 йилдагига нисбатан 33 процент кўпайди. СССРда 1965 йил бошланганда 550 миң нафардан ошиқ врач бор эди, ҳозир эса салкам 670 миң врач бор. Келеси беш йилликда ҳам юқори малакали анча медалар тайёрланади. (ТАСС). Редактор М. ҚОРИЕВ.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 6.15—Тоғти концерт. 8.25—Сабек композиторларнинг «Р» ишлари. 9.30—Республикада хизмат кўрсатган артист Х. Юсупова кўйилди. 9.50—«Комбинатимиза кўйилди» (тоғичча). 10.10—И. Вах. Фортельяно ва оркестр учун концерт. 11.15—«Коммунизм қурилиши ва миллатларнинг бир бирига яқинлашуви» (суҳбат). 11.30—Моргу кўйилди. 12.15—Топишмоқли концерт. 13.30—Совет композиторларнинг кўйилди. 16.10—«Флора Хасимова кўйилди» (концерт-очери). 16.50—«Правда» газетасининг обзори. 18.00—«Янги беш йилликка қадам қўйиб» (суҳбат русча). 18.10—П. Чайковский. Шенспирнинг «Гамлет» трагедиясига ёзилган кўйилди парчалар. 18.40—Спорт эшиттириши (русча). 19.20—Қозоқ кўйилди. 20.00—«Ўзбекистон ишчиси», радиожурнали. 20.30—Саноат ходимлари учун концерт. 21.00—Халқаро маъзуларда суҳбат. 21.10—Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт. 21.55—«Саломатлик—туман бойлик». 22.20—Тоғичкистон халқ артисти А. Вобожулов кўйилди. 22.40—Шеърлик кечаси. 23.15—Халқ талантилари концерти. 24.00—Туғи музикали программа.

ТЕАТР БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 18.25—Тоғичкистон. Рус тилида: 18.30—Мультифильм. 18.25 «Фан», 18.55—«Биринчи қиз» (бадий фильм), 20.05—Москва, 20.30—«Портретлар портрети», 21.00—«Янги йил», 21.05—«Беш йиллик одамлари», 21.30—«Эстрада томошаси», 22.20—«Фигуралар учин бунча СССР чемпиони». ИККИНЧИ ПРОГРАММА 17.55—Тоғичкистон. Ўзбек тилида: 18.00—Мультифильм. 18.25 «Фан», 18.55—«Биринчи қиз» (бадий фильм), 20.05—Москва, 20.30—«Портретлар портрети», 21.00—«Янги йил», 21.05—«Беш йиллик одамлари», 21.30—«Эстрада томошаси», 22.20—«Фигуралар учин бунча СССР чемпиони».

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—13/1 да Зулматдан зиё, 14/1 да Сегми тоғири. ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—13/1 да Шоҳ Эмом, 14/1 да Бой ила ҳизмати. МУНИМНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗКАЛИ ТЕАТРИДА—13/1 да Халима (билетлар сотилган), 14/1 да Паранжи сирлари.

КИНО

Сунгги ёдгорлик—САҲЪАТ САРОНИ «СПУТНИК», «ЎЗБЕКСТОН», «ЧАЙКА», «МОСКВА», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун). Сайха—«ЎЗБЕКСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун). У влгиз эмасди—«СПУТНИК», «КУЧКА» (кундуз ва кечкурун). Анупама—НАВОНИ номли (Ўзбек тилида, кундуз ва кечкурун).

Жойларда соғлаш ишлари ишлаб чиқариш ва Тоғичкистон келиб ҳисоб бериш учун; электр симлари, тармоқлар ва подстанциялар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматизация, вентиляция ва ҳавонини кондициялаш, саноат қозон қурилмалари ва яссиқлик тармоқлари бўйича инженерлар ва техниклар

КЕРАК

План тўлган тақдирда қвартал мувофоти 75 процент, иттиёб коэффициентини 15 процентдан 70 процентга, ил маънадровчиини суттага 3 сумга ва қвартира ҳақи тўланади. Турар-жой умумий асосларда Тоғичкистон шахрида 1971/73 йиллар ичида берилди. Тоғичкистон шахар, Пролетарский кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва шифо қилиш бўлими, хамда район иқроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин. (Қўйиб-қўмаси, 16-уй, телефонлар: 33-82-86; 33-89-59, 33-93-73; 33-92-85).

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрининг коллективий министрининг полковникисининг бошлиғи З. Мухамедова онаси, республика миқдосидаги шахсий пенсионер

ДАДАМУҲАМЕДОВНИНГ

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия-изҳор қилади.

ҚОРА ДЕНГИЗДА АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА ҚАНЧА ДЕЛЬФИН БОР?

Денгиз балик хўжалиги илмий-тадқиқот институти олимлари Украина ССР Фанлар академияси жанубий денгизлар биологисининг институтининг ходимлари билан бирга Қора денгиздаги дельфинлар қанча кўпайганини ўрганиб чиқдилар. Дельфин сони махсус аппаратлар ўрнатилган самолётлар ёрдами билан уч ой мобайнида ҳисобланди. Дельфинлар сув юзига яқин сузади ва ҳаводан ахши кўриниб туради. Дельфин сони аниқлангани билан бирга уларнинг тарқалиши ва хатти-ҳаракатлари ҳам кўзатиб борилади. Қрим соҳили бўйлаб дельфинлар кўп тарқалган экан. Рўйхатдан маълум бўлишича, бу ҳайвонларни ов қилиш 1965 йилда тақиқланганидан сўнг Қора денгиздаги дельфинлар икки баравар кўпайган. Сунгги йилларда кўп мамлакатларнинг олимлари дельфинларни синчиқлаб тадқиқ этмоқдалар. Дельфинлар тараққиёт даражаси жиҳатидан ҳайвонот дунёсида олдинги ўринлардан бирида туради, деган гапни дадил айтиш мумкин. Рўйхат раҳбари А. Чепурнов ТАСС мухбирига айтдики, Қора денгиз дельфинлари бошқа денгизларнинг дельфинларига қараганда одамга кўпроқ яқинлашади ва уларни ўргатиш осон. Олимлар одам дельфиндан балик ҳайдовчи, денгиздаги бахтсизлик ҳодисаларида кутқарувчи сифатида, сув ости лабораториялари билан алоқа боради ҳамда биология соҳасида маълумот олиш учун фойдаланиши мумкин, деб ҳисобламоқдалар. Дельфинларнинг гидролокация системаси ўрганилгандак, улар уч километр наридаги балик галасини пайғандаш таъқирини шу гага қайси турдан эканлигини ҳам белгилай олиши маълум бўлди. Дельфин тилини тушуна билганининг алоҳида аҳамияти бор.

Февраль ойида Қора денгиздаги дельфинларни яна ўрганишга киришадиган экспедицияни тайёрлаш тугай деб қолди. К. ВЯЗОВСКИЙ, (ТАСС мухбири). Керчь. ҚАДИМГИ ДАРАХТ Ер остида салкам 150 миллион йил ётган ва Юра даврига оид дароҳт Латвия ССР табиат музейининг оқсонида бўлиб қолади. Венгрияда 58 сантиметрга борадиган дароҳтнинг 5 метрлик танаси топилди. Дароҳт Юра даврининг лойин

ва кейинги музлик даврининг ётқизилари орасида қаттиқ сиқилган оқ кярак қатм қатлами орасидан чиқди. Шу нагларлар оғирлигидан эзилган дароҳт қисман кўмирга айланган ва тош бўлиб қолган. Қўндаланг кесиминда ёғоч тўлалиги сезилиб турибди. Шоҳларини сақлаб қолиб бўлмади қазини чоғида узылаб кетди. Музейга топширилган дароҳт танасининг ҳамма ёғи ёрилган ва жуда мўртдир. Мутахассислар дароҳтнинг консервация қилмоқчилар. Бу дароҳт аллақачон йўқ бўлиб кетган «фидлокладаксилон» ўсимлик гулаписига оид бўлса керак, деб тахмин қилинмоқда. С. ШПУНГИН, (ТАСС мухбири). Рига.